

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 299,6 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 285,5 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,3 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 22,7 фоизи), саноат (16,9 фоизи), қурилиш (8,5 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан фоизда	минг бирлик	жамига нисбатан фоизда
Жами	299,6	100,0	285,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	22,5	7,5	20,9	7,3
саноат	50,7	16,9	48,6	17,0
қурилиш	25,6	8,5	24,2	8,5
савдо	68,0	22,7	63,9	22,4
ташиш ва сақлаш	12,4	4,1	11,9	4,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18,2	6,1	17,2	6,0
ахборот ва алоқа	6,7	2,3	6,4	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5,9	2,0	5,8	2,0
бошқа фаолият турлари	89,6	29,9	86,6	30,4

2017 йил 1 октябрь ҳолатига 244,7 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 77,9 мингта, оилавий корхона – 11,7 мингта, масъулияти чекланган жамият – 146,8 мингта, акционерлик жамияти – 0,7 мингтани ташкил этади.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари

1 октябрь ҳолатига



2017 йилнинг январь–октябрида жами 32,8 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 30,8 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,2 фоизи), Тошкент (10,0 фоизи), Фарғона (8,8 фоизи) ва Самарқанд (8,4 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 25,2 фоизи саноат 19,2 фоизи савдо, ва 13,2 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 18,8 мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 2,7 мингтаси (жами фаолияти тугатилганлардан 14,1 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2017 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 5370 тани ташкил этди.

2017 йил январь–сентябрь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 586 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 84 та, Россия Федерацияси – 58 та, Туркия Республикаси – 44 та, Корея Республикаси – 38 та, Қозоғистон Республикаси – 29 та, Буюк Британия – 17 та, АҚШ – 24 та, Озарбайжон Республикаси – 12 та, Эрон Ислом Республикаси – 10 та, Ҳиндистон Республикаси – 8 та янги корхона тўғри келди.

Шунингдек, 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида Афғонистон Ислом Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, БАА, Британия Вержиния ороллари, Кипр Республикаси, Чехия Республикаси, Германия Федератив Республикаси резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**

2017 йил 1 октябрь ҳолатига

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	5 370	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	150	2,8
Саноат	2 365	44,0
Қурилиш	275	5,1
Савдо	1 022	19,0
Ташиш ва сақлаш	156	2,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	228	4,3
Ахборот ва алоқа	117	2,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	70	1,3
Бошқа фаолият турлари	987	18,4

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 5 370 та корхонанинг 2 365 таси (44,0 фоизи) – саноат, 1 022 таси (19,0 фоизи) – савдо, 275 (5,1 фоизи) – қурилиш, 228 (4,3 фоизи) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 156 (2,9 фоизи) – ташиш ва сақлаш, 117 (2,2 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади.